**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ**

СОТВОЛДИЕВ АКМАЛЖОН ИБРОХИМОВИЧ

БОШҚАРУВЛАР АРАЛАШ ЧЕГАРАЛАНИШЛАРГА ЭГА ҲОЛДА ЧИЗИҚЛИ ВА НОЧИЗИҚЛИ ДИНАМИК СИСТЕМАЛАР УЧУН БОШҚАРУВ ВА ҚУВИШ МАСАЛАЛАРИ

**01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

УДК: 517.977.5/.978.4

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

СОТВОЛДИЕВ АКМАЛЖОН ИБРОХИМОВИЧ

БОШҚАРУВЛАР АРАЛАШ ЧЕГАРАЛАНИШЛАРГА ЭГА ҲОЛДА ЧИЗИҚЛИ ВА НОЧИЗИҚЛИ ДИНАМИК СИСТЕМАЛАР УЧУН БОШҚАРУВ ВА ҚУВИШ МАСАЛАЛАРИ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/FM10 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	**Кучкаров Атамурат Шамуратович** физика-математика фанлари доктори
	Саматов Бахром Таджиахматович физика-математика фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Тўхтасинов Муминжон** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Каримов Камолиддин Тўйчибоевич физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» __________ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19 уй. Тел.: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19 уй. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _______________ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _______________ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Қ.Ўринов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

И.У.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

Ш.Т.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон миқёсида амалий хусусиятга эга бўлган кўплаб математик моделларни ўрганишда уларни бошқарув системалар билан ҳам бевосита боғлиқлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бунда айниқса, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг математик моделларини ўрганишда зиддиятни, яъни мақсадга эришишга тўсқинлик қилувчи томонларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш зарурлиги кўрилади. Бундай моделларни ўрганиш зарурияти математиканинг янги соҳасини, яъни зиддиятли математик бошқарув жараёнлари (динамик ўйинлар) назариясини яратилишига олиб келди. Бугунги кунда динамик ўйинлар назарияси амалий аҳамиятга эга бўлган математиканинг кенг ривожланган соҳаларидан бири сифатида этироф этилади.

Ушбу назарияга кўра, динамик жараёнлар дифференциал, дискрет, интеграл ва бошқа турдаги тенгламалар билан тавсифланади. Агар модел сифатида дифференциал тенглама қаралган бўлса, математик модел дифференциал ўйин, дискрет тенглама бўлса, дискрет (кўп қадамли) ўйин деб номланади. Бошқариладиган системалардан фарқли ўларок, ўйин моделларида бошқарув параметрлари икки гуруҳга бўлинади, уларнинг ҳар бири шартли равишда ўйинчилар томонидан, яъни ҳар икки томоннинг бири томонидан бошқарилади. Бунда вақт ўтиши билан бошқарув параметрлари ўзгаради, бу нафақат вақт параметрининг қийматига, балки бутун тизимнинг жорий ҳолатига ҳам боғлиқ. Бундан ташқари, ёқилғи миқдорининг, батарея ёки двигател қувватининг ва бошқа бошқарувларга таъсир этувчиларнинг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, бошқарув параметрларига турли чекловлар қўйилган шартлар қаралади. Бунда асосан бошқариш параметрларининг қийматлари учун геометрик чекловли ҳоллар қаралган. Интеграл (ёки йиғинди) чекловларга эга бўлган ҳоллар, яъни вақт функцияси сифатида банах фазоларининг чегараланган ёпиқ тўплами қаралган ҳоллар эса ривожланишининг дастлабки босқичда турибди. Диссертациянинг долзарблиги шундаки, бошқарувларга турли чекловлар (геометрик, интеграл, йиғинди) қўйилган ҳолларда чизиқли динамик ва дифференциал системалар учун бошқарувчанлик ва тутиш масалаларини ечишда ҳамда реал қарама-қарши жараёнларнинг адекват математик моделларини қуришда, шунингдек, турғунлик, бошқариш масалаларининг тушунча ва натижаларига асосланган ҳолда ночизиқли динамик системалар учун қувиш масалаларини ечиш методларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳозирда республикамизда амалий аҳамиятга эга бўлган фундаментал тадқиқотларнинг долзарб аспектларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Илм-фан олдига фундаментал тадқиқотларни амалиётга яқинлаштириш ҳамда амалий тадқиқотларни иқтисодиёт ва бошқаришнинг реал секторларига татбиқларини кенгайтириш вазифаси устувор йўналиш этиб белгиланган. Бу борада реал жараёнларнинг динамик системалар кўринишидаги математик моделларини тадқиқ этиш самарадор тадбирлардан биридир. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, математика фанининг устувор йўналишлари, айниқса, дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик системалар назарияси, алгебра ва функционал анализ, геометрия ва топология, амалий математика ва математик моделлаштириш бўйича ҳалқаро стандартлар даражасидаги илмий тадқиқот ишларини олиб бориш Ўзбекистон Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти[1] фаолиятининг асосий вазифаси ва йўналиши этиб белгиланган. Динамик системаларни тадқиқ этиш методларини ривожлантириш тегишли директив ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисидаги" Фармони, 2017 йил 17 февралдаги № ПҚ-2789 "Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 20 апрелдаги № ПҚ-2909 "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2018 йил 27 апрелдаги № ПҚ-3682 "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда фундаментал фанга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларга ушбу диссертация мавзуси ва тадқиқот объекти мос келади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. "Математика, механика ва информатика" устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. "Дифференциал ўйин" тушунчаси XX асрнинг 50-йиллар бошларида америкалик математик Р.Айзекс томонидан қўлланилган. 1965 йилда Р.Айзекснинг изланишлари монография шаклида нашр этилган. Бу монография Гамильтон-Якоби назариясидан келиб чиқадиган эвристик мулоҳазалар ва кўплаб мисоллардан иборат бўлиб, умумий назарияни ўз ичига олмаган. Ўша йилларда Л.С.Понтрягин ва унинг шогирдлари ҳаво ҳужумида самолётни бошқариш вазифаларини соддалаштиришдан келиб чиққан ҳолда бошқариладиган жараёнларнинг математик назариясини яратдилар. 1964 йилдан бошлаб Л.С.Понтрягиннинг (уларнинг баъзилари Е.Ф.Мищенко билан биргаликда) дифференциал ўйинларга бағишланган қатор ишлари нашр этилди, бу математикада янги йўналишни ривожлантиришга кучли туртки берди. Ушбу ривожланиш Л.С.Понтрягин, Н.Н.Красовский, Р.Айзекс, Е.Ф.Мищенко, Ю.С.Осипов, Б.Н.Пшеничний, Л.А.Петросян, А.И.Субботин, У.Флеминг, А.Фридман ва бошқа кўплаб математикларнинг номлари билан боғлиқ. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ҳам дифференциал ўйинлар назарияси бўйича илмий мактаб шакллантирилган бўлиб, унга Н.Ю.Сатимов асос

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги №ПҚ-4387 "Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.

солган ва ҳозирда А.Азамов раҳбарлик қилиб келмоқда. Ушбу мактаб вакиллари дифференциал ва дискрет системаларда қувиш-қочиш масалаларини ечишнинг янги усулларини таклиф қилишган. Лекин кўрилган масалаланинг аксарият қисмида бошқариш параметри фақат чегараланган функциялар синфида қаралган, бу эса бошқариладиган қурилманинг фақат чекланган имкониятларинигина ҳисобга олинишини ифодалайди. Математик моделларнинг амалий масалалар билан адекватлигини оширишдаги интилишлар бошқарувларга интеграл, интеграл-геометрик, мураккаб ва бошқа чекловлар қўйилган ҳолларни ўрганиш зарурлигини тақозо қилди. Бу ерда интеграл чекловлар амалиётда бошқариш учун чекланган энергия, жараён давомида сарфланган ресурсларни англатиши мумкин. Техник жараёнларнинг математик моделларини ўрганишда ушбу хусусиятли чекловларини ҳисобга олиш муҳим амалий натижалар беради.

Л.С.Понтрягиннинг биринчи тўғри усули М.С.Никольский томонидан интеграл чекловлар ҳолатига ўтказилган. Ушбу ёндашув А.Я.Азимов, Ф.В.Гусейнов, А.В.Месенцев, Н.Л.Григоренко ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилган. Н.Н.Красовскийнинг интеграл чекловларга эга дифференциал ўйинларни ечишда экстремал мақсадга асосланган усули асосида Н.Н.Красовский, Ю.М.Репин ва В.Е.Третяков, кейинчалик А.Б.Куржанский, А.И.Субботин, В.Н.Ушаков, Н.Ю.Лукоянов, М.Д.Локшин, В.И.Ухоботов, А.Н.Дарьин, Д.В.Корнев ва бошқалар томонидан мустахкам асосга эга усул ишлаб чиқилган. Регуляр ҳолат учун позицион ёндашиш усули Б.Н.Пшеничний ва Ю.Н.Онопчук, шунингдек, И.С.Раппопорт, С.И.Тарлинский, М.С.Габриэлян, А.А.Чикрий ва бошқаларнинг ишларида турли хил чекловлардаги интеграл ўйинларга ўтказилган. Н.Ю.Сатимов, А.З.Фазилов, Б.Б.Рихсиев, Г.И.Ибрагимов, Б.Т.Саматов, А.А.Ҳамдамов ва бошқалар ишларида интеграл чекловлар билан дифференциал ва дискрет ўйинларида жамоавий қувловчилар ўртасида бошқариш ресурсларини тақсимлаш усулига асосланиб ечишни таклиф этдилар. Сўнгги йилларда А.Азамов ва А.Ш.Кучкаровлар томонидан қувловчининг бошқарув векторига геометрик, қочувчининг бошқарув функциясига эса интеграл чекловлар қўйилганда қувиш, бошқарувчанлик ва чизиқли системаларда турғунлик масалаларининг ўзаро боғлиқлиги бўйича тадқиқотлар бошланган. Дифференциал ўйинларнинг умумий назариясида қувиш-қочиш масалалари бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида аҳамиятга эга. Булардан бири хилма-хиллик, қўлланиладиган усуллар ва натижаларнинг хусусиятларидан иборат. Ушбу сифатлар намунавий мисолларни кўриб чиқишда намоён бўлади. Масалан, етишиш соҳасининг махсус хоссасига асосланиб, Р.Айзекснинг “қутилиш чизиғи” масаласи оддий ҳаракатлар бўлган ҳолида Л.А.Петросян томонидан ечилган. Бунда параллел қувиш (П - стратегия) стратегияси оптимал стратегия эканлигини исботлаш мумкин. Кейинчалик параллел қувиш стратегияси асосида ўйинчилар бошқарувига геометрик, интеграл, чизиқли ва бошқа чекловлар билан боғлиқ қувиш масалаларини ечиш усуллари ишлаб чиқилди (А.Азамов, А.А.Чикрий, А.И.Благодатских, А.Ш.Кучкаров, Б.Н.Григоренко, Б.Н.Пшеничнй, Б.Т.Саматов, В.И.Ухоботов, Г.И.Ибрагимов, И.С.Раппопорт, М.М.Маматов, М.Тўхтасинов, Н.Н.Петров, Н.Ю.Сатимов ва бошқалар).

Ушбу диссертацияда чизиқли дифференциал ва дискрет системаларнинг бошқарувчанлиги ҳамда ўйинчиларнинг бошқарувига интеграл ва йиғинди чекловлар қўйилганда ўйин кўринишдаги масалалар қўрилган, шунингдек, ночизиқли дифференциал ўйинда қувиш масаласи параллел яқинлашиш усули билан тадқиқ қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги Ф4-ФА-Ф014 “Динамик ва бошқарилувчи системалар траекторияларини кузатув ва бошқарув стратегияларининг синтез методларини ривожлантириш ҳамда уларнинг иссиқлик ва кимёвий жараёнларнинг математик моделларига татбиқлари” (2012-2016 йиллар) ва Тошкент молия институтида фундаментал-тадқиқот дастури доирасидаги ОТ-Ф4-16 “Оптимал бошқарув масалалари ва графларда дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар назариясини ишлаб чиқиш” (2017 ва ҳ.к.) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошқарувларга мос равишда интеграл ва йиғинди чекловлар қўйилган чизиқли дифференциал ва дискрет системаларда бошқарувчанлик ва қувиш масалалари ўртасида боғлиқлик ўрнатиш, ҳамда ночизиқли дифференциал қувиш ўйинларини параллел яқинлашиш методи орқали ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошқарувига интеграл чеклов қўйилган чизиқли дифференциал системаларда, шунингдек, йиғинди чеклов қўйилган дискрет системаларда бошқарувчанлик масалаларини ечиш усулларини ишлаб чиқиш;

бошқарувига йиғинди чеклов қўйилган чизиқли дискрет системаларда 0-бошқарувчанлик масаласини ечиш;

бошқарувларига йиғинди чекловлар қўйилган чизиқли дискрет системаларда зиддиятли вазиятда бошқарувчанлик масаласини ўрганиш;

ўйинчиларни бошқарувига координатали интеграл чекловлар қўйилганда жамоавий қувиш масаласини ечиш;

ночизиқли дифференциал ўйинлар учун параллел қувиш стратегиясини қуриш;

ночизиқли дифференциал қувиш ўйинида ўйинни тугатиш учун етарли шартлар топиш.

Тадқиқотнинг объекти чизиқли ва ночизиқли дифференциал тенгламалар, шунингдек, чизиқли дискрет динамик системалар ва уларнинг бошқарилишидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети чизиқли дифференциал ва дискрет системаларда бошқарувга интеграл ва йиғинди чекловлар қўйилганда ечимнинг мавжудлиги ва бошқарувчанлиги, шунингдек, ночизиқли дифференциал ўйинда қувиш масаласининг ечимини топишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида дифференциал тенгламалар назарияси, оптимал бошқариш назарияси ва дифференциал ўйинлар, функционал таҳлил, чизиқли алгебра усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошқарувига интеграл чеклов қўйилган чизиқли дифференциал системаларда, шунингдек, йиғинди чеклов қўйилган дискрет системаларда бошқарувчанлик масалаларини ечиш усуллари ишлаб чиқилган;

бошқарувига йиғинди чеклов қўйилган чизиқли дискрет системаларда 0-бошқарувчанлик масаласини ечиш учун зарур ва етарли шартлар олинган;

йиғинди чекловлар билан зиддиятли ҳолатларда чизиқли дискрет системалар учун бошқарувчанлик масаласи ўрганилган ва ўйинни тугатиш учун етарли шартлар олинган;

ўйинчиларнинг бошқарувига координатали интеграл чекловлар қўйилган жамоавий қувиш масаласида ўйинни тугатиш учун етарли шартлар олинган;

ночизиқли дифференциал ўйиннинг бир синфи учун параллел қувиш стратегияси қурилган;

ночизиқли дифференциал қувиш ўйинини ечиш учун оддий ҳаракатли ўйинда параллел яқинлашишнинг классик усулини умумлаштирувчи самарали усул таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертацияда тақдим этилган натижалар ва бу натижаларни исботлашда таклиф қилинган усуллар зиддиятли ҳолатларда рўй берадиган бошқарилувчи жараёнлар назариясининг кейинги изланишларида қўлланилади. Динамик жараёнларни дискрет системалар кўринишида моделлаштириш тобора долзарб бўлиб бормоқда, чунки бу компьютерда ҳисоблаш дастурлари учун қулайдир. Шу муносабат билан бошқариш ва қувиш масалаларининг етарли шартлари бўйича олинган диссертация натижалари бошқаришнинг йиғинди чекловлари бўлган дискрет системаларга келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математикада қабул қилинган дедуктив хулосалар, шу жумладан теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошқарув системалари ва дифференциал ўйинлар назарияларини ривожлантириш ва динамик ўйин масалаларининг такомиллашган ечиш усулларини топишда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошқарув системалари ва динамик ўйин моделларидаги ресурс бошқарувларини такомиллашган тақсимотининг берилиши, ҳамда уларнинг ҳисоблаш алгоритмларини қуриш орқали уларни техника ва иқтисодиётга тадбиқ этишга мутаносиблиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошқарувлар аралаш чегараланишларга эга ҳолда чизиқли ва ночизиқли динамик системалар учун бошқарув ва қувиш масалаларига оид илмий натижалар асосида:

бошқарувига интеграл чеклови қўйилган чизиқли дифференциал системаларнинг ечимлари, бу системаларда ифодаланган қувиш масаласининг глобал ечими ва 0-бошқарувчанлик орасидаги боғлиқликдан 01-01-16-1840FR рақамли фундаментал тадқиқот лойиҳасида Гильберт фазосида ўйинчиларнинг бошқарув параметрларига интеграл чекловлар қўйилганда кўп қувловчили қувиш масаласини ечишда, ҳамда қувиш-қочиш масаласи ўйинида иккита қувловчи ва битта қочувчи бўлган ҳолда ўйинчиларнинг бошқарувига координатали интеграл чеклов қўйилган холда ечишда қўлланилган (Путра Малайзия университетининг 2020 йил 4 февралдаги PM.02.04/1/3-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши чизиқли ва ночизиқли бошқарилувчи дифференциал ўйинларни ечишнинг янги усулларини яратиш имконини берган;

бошқарувига йиғинди чеклови қўйилган чизиқли дискрет системаларнинг ечимларидан математика ва компьютер моделлаштириш лабораторияси АААА-Б19-219021990010-4 рақамли “EYETRACKING технологияси асосида тасвирни қайта ишлаш” илмий-тадқиқот лойиҳасида қўлланилган (Витус Беринг номидаги Камчатка давлат университетининг 2020 йил 26 февралдаги № 111-01 маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши чизиқли дискрет системаларни ечиш усуллари ёрдамида тасвирни қайта ишлаш ва сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 14 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 таси халқаро ва 8 таси республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 80 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг таҳлили берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги очиб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг татбиғи, шунингдек нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Чизиқли дифференциал ва дискрет системаларда бошқариш масалалари**” деб номланган биринчи бобида бошқарув параметрларига интеграл (дискрет ҳолатларда, йиғинди) чеклов қўйилганда чизиқли дифференциал ва дискрет бошқарув системалари кўриб чиқилган. Бошқарувнинг мақсади – сифат функционалининг қийматини максималлаштиришдан иборат. Бундан ташқари, бошқарувига йиғинда чеклов қўйилган чизиқли дискрет системаларда 0-бошқарув масаласининг ечими зарур ва етарли шартлар кўринишида ифодаланган.

Ушбу

$$dz/dt = Az(t) + Bu(t), \quad z(0) = z_0, \quad t \geq 0 \tag{1}$$

чизиқли дифференциал бошқарув системани ва унинг аналоги

$$z(t+1) = Az(t) + Bu(t), \quad z(0) = z_0, \quad t = 0,\ 1,\ 2,... \tag{2}$$

дискрет бошқарув системани қараймиз. Бу ерда $z(t) \in \mathbb{R}^n$, $u(t) \in \mathbb{R}^m$ – бошқарув параметри, A ва B мос ҳолда $n \times n$ ва $n \times m$ ўлчовли ўзгармас коэффициентли матрицалар.

$$\int_0^\infty |u(t)|^p \, dt \leq \rho^p, \qquad p > 1, \quad \rho > 0 \tag{3}$$

чекловни қаноатлантирувчи барча $u(\cdot):[0, +\infty) \to \mathbb{R}^m$ ўлчовли функциялар тўпламини U_1 билан,

$$\|u(\cdot)\| = \left(\sum_{t=0}^{\infty} |u(t)|^p \right)^{1/p} \leq \rho, \qquad p > 1, \quad \rho > 0 \tag{4}$$

чекловни қаноатлантирувчи барча $u(\cdot)$ кетма-кетликлар тўпламини U_2 билан белгиланган.

Айтайлик, $u(\cdot) \in U_i \;\; (i = 1,\ 2)$ бўлсин. У ҳолда (1) ва (2) системалар учун Коши масаласи ечими $z_i(t, u(\cdot), z_0) \;\; (i = 1,\ 2)$, яъни

$$z_1(t,\ u(\cdot),\ z_0) = e^{At} z_0 + \int_0^t e^{A(t-s)} Bu(s) ds, \quad t \geq 0, \tag{5}$$

$$z_2(t,\ u(\cdot),\ z_0) = A^t z_0 + \sum_{j=0}^{t-1} A^j Bu(t-1-j), \quad t = 1, 2, ... \tag{6}$$

кўринишда бўлади.

(3) ва (4) чекловлар билан (1) ва (2) системаларни бошқаришдан мақсад $\gamma(z_i(\cdot, u(\cdot), z_0)) = \inf\limits_{t \geq 0} |z_i(t, u(\cdot), z_0)| \;\; (i = 1,\ 2)$ функционалнинг қийматини максималлаштириш, яъни

$$\gamma(z_i(\cdot,\ u_0(\cdot),\ z_0)) \geq \gamma(z_i(\cdot, u(\cdot),\ z_0)), \quad u(\cdot) \in U_i \;\; (i = 1,\ 2)$$

ни қаноатлантирувчи $u_0(\cdot) \in U_i \;\; (i = 1,\ 2)$ функцияни топишдан иборат.

Маълумки, $0 \leq \gamma(z_i(t, u(\cdot), z_0)) \leq |z_0|$, $u(\cdot) \in U_i \;\; (i = 1,\ 2)$ тенгсизлик ҳар доим ўринли.

Агар A матрицанинг барча хос сонларини ҳақиқий қисмлари номанфий бўлса, (5) ечимни, агар A матрицанинг барча хос сонларини модули бирдан катта ёки тенг бўлса, (6) ечимни инобатга олган ҳолда, шундай z_0 мавжудки,

$$\sup_{u(\cdot)\in U_i} \gamma\big(z_i\left(\cdot,\ u(\cdot),\ z_0\right)\big) \geq \inf_{t\geq 0}\left|z_i(t,\ 0,\ z_0)\right| > 0, \quad (i=1,\,2)$$

тенгсизлик ўринли бўлади.

Айтайлик, A матрицанинг хос сонлари $\lambda_1, \lambda_2, ..., \lambda_n$ ҳамда $\alpha = \max\limits_{1\leq k\leq n} \operatorname{Re}\lambda_k$, $\beta = \max\limits_{1\leq k\leq n}\left|\lambda_k\right|$, $\|B\| = \max\limits_{|z|=1}|Bz|$ – матрица нормаси ва $q = p/(p-1)$, $p>1$ бўлсин.

1-лемма. Агар $\alpha<0$ бўлса, у ҳолда *а*) ихтиёрий t $(t\geq 0)$ учун $S_{R_1} = \left\{ y\in\mathbb{R}^n \,\middle|\, |y|\leq R_1 \right\}$ шар $Y(t) = \left\{ \int\limits_0^t e^{A(t-s)}Bu(s)ds \,\middle|\, u(\cdot)\in U_1 \right\}$ тўпламни ўз ичига олади, бу ерда $R_1 = \rho M\|B\|\left(-\dfrac{1}{q\alpha}\right)^{1/q}$; *б*) ҳар бир $u(\cdot)\in U_1$, $\varepsilon>0$ ва $t_0\geq 0$ учун шундай t^0 $(t^0>t_0)$ сон мавжудки, $\left|\int\limits_0^{t^0} e^{A(t^0-s)}Bu(s)ds\right|\leq\varepsilon$ тенгсизлик ўринли бўлади.

1-теорема. Агар $\alpha<0$ бўлса, у ҳолда ихтиёрий $u(\cdot)\in U_1$ учун $\gamma\big(z_1\left(t,\ u(\cdot),\ z_0\right)\big)=0$ тенглик ўринли бўлади.

2-лемма. Агар $\beta<1$ бўлса, *а*) ихтиёрий t $(t=1,\,2,\,...)$ учун $S_{R_2} = \left\{ x\in\mathbb{R}^n \,\middle|\, |x|\leq R_2 \right\}$ шар $X(t) = \left\{ \sum\limits_{j=0}^t A^j Bu(t-1-j) \,\middle|\, u(\cdot)\in U_2 \right\}$ тўпламни ўз ичига олади, бу ерда $R_2 = \dfrac{\rho\|B\|}{1-\beta^q}$; *б*) ҳар бир $u(\cdot)\in U_2$, $\varepsilon>0$ ва t_0 $(t_0=0,\,1,\,2,...)$ учун шундай t^0 $(t^0>t_0)$ сон мавжудки, $\left|\sum\limits_{j=0}^{t^0} A^j Bu(t^0-j)\right|\leq\varepsilon$ тенгсизлик ўринли бўлади.

2-теорема. Агар $\beta<1$ бўлса, у ҳолда ихтиёрий $u(\cdot)\in U_2$ учун $\gamma\big(z_2(t,u(\cdot),z_0)\big)=0$ тенглик ўринли бўлади.

(4) шарт интеграл чекловнинг дискрет аналог бўлиб, йиғинди чеклов деб аталади. (2) бошқарув масаласининг мақсади бирор t учун $z(t)=0$ тенгликни бажарилишидан иборат.

Тўлиқ 0-бошқарувчанлик критерийси. Қувишни тугатиш ва бошқарувчанлик шартларини соддалаштириш мақсадида (2) кўринишдаги системада чизиқли алмаштиришлар бажарилган. Бундай алмаштиришларга нисбатан 0-бошқарувчанлик тушинчаси ва барча нуқталардан қувишни тугатиш мумкинлиги инвариант бўлади. Булардан келиб чиқиб, чизиқли алмаштиришлардан сўнг (2) системадаги коэффициентлар матрицасини Жордан формасида

$$A = \mathrm{diag}\left\{I_1, I_2, \ldots, I_\tau,\ K_1, K_2, \ldots, K_\eta\right\}$$

кўринишда ифодалаш мумкин бўлсин. Бу ерда мос ҳолда I_j клетка нолдан фарқли хос сонлар, K_j клетка эса нолга тенг хос сонлар (агар мавжуд бўлса). Энди (2) системани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$x(t+1) = A_1 x(t) + B_1 u(t), \qquad x \in \mathbb{R}^q, \tag{7}$$

$$y(t+1) = A_2 y(t) + B_2 u(t), \quad y \in \mathbb{R}^{n-q} \tag{8}$$

I_α клетка A_1 матриканинг нолдан фарқли барча хос сонларидан, K_j клетка A_2 матрицанинг нолга тенг барча хос сонларидан ташкил топган. Бу матрицаларнинг ўлчовлари мос равишда $q \times q$ ва $(n-q)\times(n-q)$, ҳамда B_1 ва B_2 матрицаларнинг ўлчовлари эса мос равишда $q \times m$ ва $(n-q)\times m$ бўлади.

3-лемма. Айтайлик, $z_0 = (x_0, y_0)$ ихтиёрий бошланғич ҳолат бўлсин. Фараз қиламиз, (2) системанинг $z(\cdot) = \left(x(\cdot), y(\cdot)\right)$ траекторияси учун $x(t_*) = 0$ бўладиган $\bar{u}(t)$ $(t = 0, 1, \ldots, t_* - 1)$ бошқарув мавжуд бўлсин. Агар $\bar{u}(t)$ бошқарув $t = t_*,\ t_* + 1, \ldots$ ларда $\bar{u}(t) = 0$ каби давом эттирилса, у ҳолда $z(t_* + n - q) = 0$ бўлади.

1-таъриф. Агар ихтиёрий $z(0) = z_0$ бошланғич нуқта учун шундай $u(\cdot) : \mathbb{N} \to \mathbb{R}^m$ бошқарув мавжуд бўлиб, (2) системанинг $z(\cdot)$ траекторияси учун бирор t $(t \in \mathbb{N})$ да $z(t) = 0$ тенглик ўринли бўлса, у ҳолда (2) система тўлиқ 0-бошқарилувчан дейилади.

3-теорема. Агар B – $n \times n$ ўлчовли бирлик матрица ва A матрицанинг барча хос сонларини модули бирдан кичик ёки тенг бўлса, у ҳолда (2) система тўлиқ 0-бошқарилувчан бўлади.

4-теорема. Агар *а*) A матрицанинг барча хос сонларини модули бирдан кичик ёки тенг бўлса; *б*) (7) система бошқарилувчан, яъни $\mathrm{rank}\left\| B_1,\ A_1 B_1, \ldots,\ A_1^{q-1} B_1 \right\| = q$ бўлса, (2) система тўлиқ 0-бошқарилувчан бўлади.

1-эслатма. 4-теоремани исботида (2) системанинг ҳолатини z_0 бошланғич нуқтадан $z = 0$ га ўтказадиган $u(t)$ бошқарув қуйидагича қурилади: ҳар бир $t = jq$ $(j \in \mathbb{N})$ қадамда бошқарув фақатгина $z(jq)$ дан фойдаланадиган синтез шаклида танланади ва $u(t)$ бошқарув jq дан $(j+1)q - 1$ гача оралиқда дастурли бошқарилади. Агар 4-теореманинг *а*) ва *б*) шартлари бажарилса, у ҳолда ихтиёрий $z_* \in \mathbb{R}^n$ ва $\rho_* > 0$ учун $t_* \in \mathbb{N}$ сон ҳамда $U_1(t, z_*, \rho_*)$ $(t \in \mathbb{N})$ функция мавжудки,

$$\sum_{t=0}^{\infty} \left| U_1(t, z_*, \rho_*) \right|^p \le \rho_*^p$$

муносабат бажарилади ва $u(t) = U_1(t,\ z_*,\ \rho_*)$ $(t \in \mathbb{N})$ функция $z(0) = z_*$

бошланғич ҳолатга эга (2) системанинг $z(\cdot)$ траекторияси учун $z(t_*)=0$ тенглик бажарилади.

Диссертациянинг “**Зиддиятли ҳолатда чизиқли системаларнинг бошқарилиши**” деб номланган иккинчи бобида зиддиятли вазиятларда чизиқли дискрет системаларни бошқариш масалалари ўрганилган ҳамда ўйинни тугатиш учун ўйинчиларнинг бошқарувига янги етарли шартлар топилган. Олинган натижалар системанинг 0-бошқарувчанлик тушунчаси ва бошқариш масалани ечиш усулларига асосланган. Жамоавий қувиш масаласининг ечими ўйинчиларнинг бошқарув координаталарига интеграл чекловлар қўйилган ҳолда ўйинни тугатиш учун етарли шартлар олинган.

Ушбу

$$z(t+1)=Az(t)+Bu(t)+Cv(t) \tag{9}$$

дискрет ўйинни қисқартириш натижасида олинган

$$z(t+1)=Az(t)+Bu(t) \tag{10}$$

чизиқли бошқарилувчан дискрет системани қараймиз. Бу ерда $z(t)\in\mathbb{R}^n$, $u(t)\in\mathbb{R}^m$, $v(t)\in\mathbb{R}^l$, t – қадам (ҳамма жойда t параметр номанфий бутун қиймат қабул қилади), A, B ва C лар мос равишда $n\times n$, $n\times m$ ва $n\times l$ ўлчовли ўзгармас матрицалар, u – қувловчининг, v эса қочувчининг бошқарув параметри.

2-таъриф. Қуйидаги

$$\|u(\cdot)\|_{l_p}=\left(\sum_{t=0}^{\infty}|u(t)|^p\right)^{1/p}\le\rho,\quad \rho>0, \tag{11}$$

$$\|v(\cdot)\|_{l_p}=\left(\sum_{t=0}^{\infty}|v(t)|^p\right)^{1/p}\le\sigma,\quad \sigma\ge0 \tag{12}$$

шартларни қаноатлантирувчи $u(\cdot):\mathbb{N}\to\mathbb{R}^m$ ва $v(\cdot):\mathbb{N}\to\mathbb{R}^l$ кетма-кетликлар мос равишда қувловчи ва қочувчининг жоиз бошқарувлари дейилади ($\mathbb{N}$ – номанфий бутун сонлар тўплами ва $p>1$). (11) ва (12) шартлар интеграл чекловларнинг дискрет аналоглари бўлиб, йиғинди чекловлар деб аталади.

Хусусий ҳолда қочувчи мавжуд бўлмаса, яъни $\sigma=0$ бўлса, (9) тенглама (10) тенгламага айланади ва динамик ўйин йиғинди чеклов билан бошқарув системасига ўтади.

(10) системадаги бошқариш масаласида қочувчи мавжуд бўлмаса, (9) ўйиндаги қувиш масаласининг мақсади, бирор t да $z(t)=0$ тенгликни таминлашдан иборат бўлади. Бу ерда $z(t)$ – траектория u ва v бошқарув параметрлари ўйинчилар томонидан танланганда, $z(0)=z_0$ бошланғич нуқтада (9) тенгламанинг ечими бўлади.

3-таъриф. $U(t,z,v)$, $U:\mathbb{R}\times\mathbb{R}^n\times\mathbb{R}^l\to\mathbb{R}^m$ функция қувловчининг предстратегияси дейилади.

Агар z_0 бошланғич нуқта, U предстратегия ва $v(\cdot)$ қочувчининг бошқаруви берилган бўлса, у ҳолда $(z_0, U, v(\cdot))$ учлик қуйидаги

$$z(t+1)=Az(t)+BU\big(t,z(t),v(t)\big)+Cv(t),\qquad z(0)=z_0$$

рекурент формула ёрдамида $z(\cdot)$ траекторияни бир қийматли ифодалайди. $u(t)=U\big(t,\,z(t),\,v(t)\big)$ кетма-кетлик U предстратегияни амалга оширувчи бошқарув параметри деб аталади.

Агар U предстратегиясининг барча амалга оширувчи бошқарув параметрлари (фиксирланган z_0 да) (11) шартни қаноатлантирса, у ҳолда U қувловчининг стратегияси дейилади. $V(t,\,z)$ стратегия ҳам худди шундай аниқланади.

Агар қочувчининг ихтиёрий $v(\cdot)$ бошқаруви учун қувловчининг шундай U стратегияси мавжуд бўлиб, $z_0,\,U$ ва $v(\cdot)$ ёрдамида аниқланган $z(\cdot)$ траекторияси бирор t $(t\in\mathbb{N})$ да $z(t)=0$ шартни қаноатлантирса, у ҳолда қувловчи z_0 нуқтадан бошланувчи (9) ўйинда қувишни тугатиш мумкин бўлади.

Шунингдек, агар қувловчининг ихтиёрий $u(\cdot)$ бошқаруви учун қочувчининг шундай V стратегияси мавжуд бўлиб, $z_0,\,U$ ва $u(\cdot)$ ёрдамида аниқланган $z(\cdot)$ траекторияси барча t $(t\in\mathbb{N})$ ларда $z(t)\neq 0$ шартни қаноатлантирса, у ҳолда қочувчи z_0 нуқтадан бошланувчи (9) ўйинда қочиб кетиш мумкин бўлади.

Қувловчининг мақсади бирор t да $z(t)=0$ тенгликни амалга оширишдан иборат.

Айтайлик, маркази координата бошида ва радиуси r бўлган $S_r^l=\left\{x\in\mathbb{R}^l\,\middle|\,|x|\le r\right\}$ шар $\mathbb{R}^l$ фазода берилган бўлсин.

5-теорема.

$$\mu\sigma CS_1^l\subset\rho\,\mathrm{int}\,BS_1^m \tag{13}$$

шартни қаноатлантирувчи $\mu>1$ сон мавжуд бўлсин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар тенг кучли: *а*) (10) система тўлиқ 0-бошқарилувчан бўлади; *б*) $\mathbb{R}^n$ фазонинг ихтиёрий бошланғич нуқтасидан (9) ўйинда қувишни тугатиш мумкин.

6-теорема. Агар $\beta<1$ ва $\dim BS_1^m=n$ бўлса, у ҳолда (9)-(12) ўйинда ихтиёрий $z_0\in\mathbb{R}^n$ бошланғич нуқтадан қувишни тугатиш мумкин бўлади.

1-мисол. $\mathbb{R}^2$ да қуйидаги

$$z(t+1)=\begin{bmatrix}0.3 & -0.4\\ 0.4 & 0.3\end{bmatrix}z(t)+\begin{bmatrix}1 & 2 & 0\\ -1 & 1 & 3\end{bmatrix}u(t)+\begin{bmatrix}1 & 2 & -1 & 3\\ 3 & 1 & 4 & 5\end{bmatrix}v(t)$$

дискрет системани қараймиз, бу ерда $z(t)\in\mathbb{R}^2$, $u(t)=\big(u_1(t),\,u_2(t),\,u_3(t)\big)$ ва $v(t)=\big(v_1(t),\,v_2(t),\,v_3(t),\,v_4(t)\big)$.

$A=\begin{bmatrix}0.3 & -0.4\\ 0.4 & 0.3\end{bmatrix}$ матрицанинг хос қийматлари $\lambda_{1,2}=0.3\pm 0.4i$ га тенг, бунда $\left|\lambda_{1,2}\right| = 0.5 < 1$. Қийин эмаски, $\dim BS_1^3 = 2$ га тенг. Бу ерда $BS_1^3 = \left\{B\xi \;\mid\; \xi = (\xi_1, \xi_2, \xi_3),\ \xi_1^2 + \xi_2^2 + \xi_3^2 \le 1\right\}$.

Шундай қилиб, 6-теореманинг барча шартлари бажарилади. Шу сабабли $\mathbb{R}^2$ фазога тегишли ихтиёрий бошланғич нуқтадан қувишни тугатиш мумкин бўлади.

Қуйидаги

$$\dot{x}_i = u_i, \qquad x_i(0) = x_{i0}, \tag{14}$$

$$\dot{y} = v, \qquad y(0) = y_0 \tag{15}$$

дифференциал тенгламалар билан тавсифланган битта қочувчи ва бир нечта қувловчи қатнашган жамоавий қувиш дифференциал ўйинни қараймиз. Бу ерда $x_i,\ y,\ u_i,\ v \in \mathbb{R}^2,\ x_{i0} \ne y_0,\ u_i = (u_{i1}, u_{i2})$ – x_i $(i = 1, 2, ..., m)$ қувловчининг ва v – y қочувчининг бошқарув параметри.

4-таъриф. $u_i(t) = \left(u_{i1}(t), u_{i2}(t)\right)$ $(t \ge 0)$ ўлчовли функциянинг ҳар бир координатаси

$$\int_0^\infty u_{i1}^2(s)ds \le \rho_{i1}^2, \qquad \int_0^\infty u_{i2}^2(s)ds \le \rho_{i2}^2 \tag{16}$$

интеграл чекловларни қаноатлантирса, x_i қувловчининг жоиз бошқаруви дейилади. Бу ерда ρ_{i1} ва ρ_{i2} $(i = 1, 2, ..., m)$ берилган мусбат сонлар.

5-таъриф. $v(t) = \left(v_1(t), v_2(t)\right)$ $(t \ge 0)$ ўлчовли функциянинг ҳар бир координатаси

$$\int_0^\infty v_1^2(s)ds \le \sigma_1^2, \qquad \int_0^\infty v_2^2(s)ds \le \sigma_2^2 \tag{17}$$

интеграл чекловларни қаноатлантирса, y қочувчининг жоиз бошқаруви дейилади. Бу ерда σ_1 ва σ_2 берилган мусбат сонлар.

(16) ва (17) шартлар координаталарга қўйилган интеграл чекловлар деб аталади.

6-таъриф. Агар $v = v(t)$ $(t \ge 0)$ қочувчининг ихтиёрий жоиз бошқаруви учун қуйидаги

$$\dot{x}_i = U_i(t, y, v), \qquad x_i(0) = x_{i0},$$

$$\dot{y} = v, \qquad y(0) = y_0$$

Коши масаласи ягона $\left(x_i(\cdot),\ y(\cdot)\right)$ ечимга эга бўлиб, у

$$\int_0^\infty U_{i1}^2\left(t, y(t), v(t)\right)dt \le \rho_{i1}^2, \qquad \int_0^\infty U_{i2}^2\left(t, y(t), v(t)\right)dt \le \rho_{i2}^2$$

чекловларни қаноатлантирса, у ҳолда $U_i(t, y, v) = \left(U_{i1}(t, y, v), U_{i2}(t, y, v)\right)$, $U_i : \mathbb{R} \times \mathbb{R}^2 \times \mathbb{R}^2 \to \mathbb{R}^2$ функция x_i қувловчининг стратегияси дейилади.

Агар қочувчи ихтиёрий жоиз бошқарувни қўллаганда ҳам қувловчида шундай стратегия мавжуд бўлиб, $\tau \ge 0$ ва $s \in \{1, 2, ..., m\}$ ларда $x_s(\tau) = y(\tau)$

тенглик бажарилса, таърифга кўра $\{y_0, x_{10}, x_{20}, ..., x_{m0}\}$ бошланғич нуқтадан бошланадиган (14)-(17) ўйинда қувишни тугатиш мумкин бўлади.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$S_1 = \left\{ \left(\sigma_1^2, \sigma_2^2\right) \middle| \, \sigma_2^2 < \sum_{i \in I(\sigma_1)} \rho_{i2}^2 \right\}, \quad S_2 = \left\{ \left(\sigma_1^2, \sigma_2^2\right) \middle| \, \sigma_1^2 < \sum_{i \in I(\sigma_2)} \rho_{i1}^2 \right\}, \quad S = S_1 \cup S_2,$$

бу ерда $I(\sigma_1) = \left\{ i \mid \sigma_1 < \rho_{i1} \right\}$, $I(\sigma_2) = \left\{ i \mid \sigma_2 < \rho_{i2} \right\}$.

7-теорема. Агар $\left(\sigma_1^2, \sigma_2^2\right) \in S$ бўлса, у ҳолда ихтиёрий $\{y_0, x_{10}, x_{20}, ..., x_{m0}\}$ бошланғич нуқтадан бошланадиган (14)-(17) ўйинда қувишни тугатиш мумкин бўлади.

2-мисол. Айтайлик, $\left(\sigma_1^2, \sigma_2^2\right)$ ресурслар текислигида $m = 5$ ва $\left(\rho_{11}^2, \rho_{12}^2\right) = (1, 2)$, $\left(\rho_{21}^2, \rho_{22}^2\right) = (2, 3)$, $\left(\rho_{31}^2, \rho_{32}^2\right) = (2, 4)$, $\left(\rho_{41}^2, \rho_{42}^2\right) = (3, 6)$, $\left(\rho_{51}^2, \rho_{52}^2\right) = (5, 1)$ берилган бўлсин. Агар қочувчининг $\left(\sigma_1^2, \sigma_2^2\right)$ ресурс вектори $S = S_1 \cup S_2$ тўпламга тегишли бўлса, у ҳолда қувишни тугатиш мумкин бўлади.

Диссертациянинг “**Ночизиқли дифференциал ўйинда қувиш масаласи**” деб номланган учинчи боби ўйинчиларнинг бошқарувга геометрик чекловлар қўйилган ҳолда ночизиқли дифференциал ўйинга бағишланган. Бундай системаларга мисол сифатида ночизиқли системаларда тутиш масаласини қараш мумкин. Бундай ўйинларнинг бир синфи учун параллел қувиш стратегиясини умумлаштирилган ва тутиш масаласи учун етарли шартлар топилган.

$\mathbb{R}^n$ фазода қуйидаги

$$\dot{x} = u + f(t, x), \qquad x(0) = x_0, \tag{18}$$

$$\dot{y} = v + f(t, y), \qquad y(0) = y_0 \tag{19}$$

дифференциал ўйинни қараймиз. X қувловчи ва Y қочувчилар мос равишда x ва y радиус-векторларга эга. Бу ерда $x, y \in \mathbb{R}^n$, $n \geq 2$; x_0, y_0 – X ва Y объектларнинг бошланғич ҳолати, u ва v мос объектларнинг бошқарув параметрлари. u – бошқарув параметри вақт бўйича ўзгарувчи $u(\cdot): [0, \infty) \to \mathbb{R}^n$ ўлчовли функцияни ва деярли барча $t \geq 0$ ларда

$$|u(t)| \leq \rho \tag{20}$$

шартни қаноатлантиради. Бу ерда ρ берилган номанфий сон. Худди шунингдек, v – бошқарув параметри вақт бўйича ўзгарувчи $v(\cdot): [0, \infty) \to \mathbb{R}^n$ ўлчовли функцияни ва

$$|v(t)| \leq \sigma \tag{21}$$

шартни деярли барча $t \geq 0$ ларда қаноатлантиради. Бу ерда σ берилган номанфий сон.

Одатда (20) ва (21) тенгсизликлар дифференциал ўйинлар назариясида бошқарув функцияларининг геометрик чекловлари деб аталади.

Қувловчининг барча жоиз бошқарувлар синфи U билан, қочувчининг барча жоиз бошқарувлар синфи эса V билан белгиланади.

1-фараз. $f(t,x)$ функция $D = R_+ \times \mathbb{R}^n$, $R_+ = [0,\infty)$ тўпламда аниқланган ва қуйидаги шартларни қаноатлантирсин: 1) деярли барча t ларда аниқланган ва x бўйича узлуксиз; 2) ҳар бир x да t бўйича ўлчовли; 3) компакт $Q \subset D$ тўпламда интегралланувчи $m(\cdot): R_+ \to R_+$ функция мавжудки, $\left|f(t,x)\right| \le m(t)$, $(t,x) \in Q$ ўринли бўлсин.

2-фараз. Шундай $k: R_+ \to R_+$ интегралланувчи функция мавжуд бўлиб,

$$\left|f(t,x) - f(t,y)\right| \le k(t)\left|x - y\right| \tag{22}$$

тенгсизлик барча $x, y \in \mathbb{R}^n$ учун ўринли бўлсин.

(18)-(19) дифференциал ўйинда X қувловчининг мақсади Y қочувчини чекли вақтда тутиш, яъни

$$x(t) = y(t) \tag{23}$$

тенглик бажарилишини таъминлашдан иборат. Бу ерда $x(t)$ ва $y(t)$ ўйинчиларнинг ўйин давомида босиб ўтган траекториялари. Y қочувчи эса учрашишдан қочишга интилади, агарда буни иложи бўлмаса, учрашиш вақтини иложи борича кечиктиришга ҳаракат қилади.

7-таъриф. $u(t,x,y,v): R_+ \times \mathbb{R}^n \times \mathbb{R}^n \times S_\sigma \to S_\rho$ функция қуйидаги шартларни қаноатлантирсин: 1) $u(t,x,y,v)$ функция деярли барча t ларда аниқланган ва (x,y,v) бўйича узлуксиз; 2) $u(t,x,y,v)$ функция ҳар бир (x,y,v) да t бўйича ўлчовли бўлсин. У ҳолда $u(t,x,y,v)$ функция X қувловчининг стратегияси дейилади. Бу ерда S_ϱ – $\mathbb{R}^n$ фазодаги маркази координаталар бошида ва радиуси ϱ бўлган шар.

8-таъриф. $v(\cdot) \in V$ қочувчининг ихтиёрий жоиз бошқаруви бўлсин.

$$\dot{y} = v(t) + f(t,y), \qquad y(0) = y_0$$

Каратеодори тенгламасининг $y(t)$ ечими қочувчининг траекторияси дейилади. Шунингдек, қувиш масаласи учун

$$\dot{x} = u(t,x,y(t),v(t)) + f(t,x), \qquad x(0) = x_0$$

Каратеодори тенгламасининг $x(t)$ ечими қувловчининг траекторияси дейилади.

9-таъриф. Агар ҳар бир $v(\cdot) \in V$ учун шундай $t^* \in [0,T]$ момент мавжудки, $x(t^*) = y(t^*)$ тенглик бажарилса, (18)-(21) ўйинда $u(t, x, y, v)$ стратегия $(0,T]$ вақт оралиғида қувишни тугатувчи кафолатланган стратегия дейилади.

10-таъриф. Агар $\rho \ge |w|$ бўлса, у ҳолда

$$u(t,w) = w - \lambda(t,w)\xi_0, \quad \lambda(t,w) = \langle w, \xi_0 \rangle + \sqrt{\langle w, \xi_0 \rangle^2 + \rho^2 - |w|^2} \tag{24}$$

функция (18)-(21) ўйинда қувловчи учун Π-стратегия дейилади. Бу ерда $\xi_0 = z_0 / |z_0|$, $w = v + f(t,y) - f(t,x)$ ва $|u(t,w)| = \rho$.

3-фараз. Айтайлик, а) қуйидаги

$$\Psi(t)=0 \tag{25}$$

тенглама мусбат илдизга эга, бу ерда $\Psi(t)=\left|z_0\right|-(\rho-\sigma)\int\limits_0^t \exp\left(-\int\limits_0^s k(\tau)d\tau\right)ds$;

б) қуйидаги

$$\rho>\sigma+k(t)\max_{t\in[0,T]}\Phi(t),\ t\in(0,T]$$

тенгсизлик ўринли бўлсин, бу ерда

$$T=\min\{t:\Psi(t)=0\} \text{ ва } \Phi(t)=\exp\int\limits_0^t k(s)ds\,\Psi(t).$$

8-теорема. 1-3 фаразлар бажарилсин. У ҳолда (18)-(21) ўйинда (24) П-стратегия X ўйинчи учун $(0,T]$ вақт оралиғида қувишни тугатишни кафолатловчи стратегия бўлади. Бу ерда T (25) тенгламанинг энг кичик мусбат илдизи.

3-мисол. Қуйидаги

$$\begin{aligned}&\dot{x}=u+Ax, \qquad x(0)=x_0,\\ &\dot{y}=v+Ay, \qquad y(0)=y_0\end{aligned} \tag{26}$$

дифференциал ўйин берилган. Бу ерда $x,y\in\mathbb{R}^n$, $n\geq 2$; $\left|u\right|\leq\alpha$, $\left|v\right|\leq\beta$; A – $n\times n$ ўлчовли ўзгармас матрица.

9-теорема. Агар $\alpha>\beta+\left\|A\right\|\left|z_0\right|$ бўлса, у ҳолда (26) ўйинда (24) П-стратегия $[0,T_A]$ оралиқда ўйинни тугатувчи кафолатланган стратегия бўлади. Бу ерда $\left\|A\right\|\neq 0$ да $T_A=\dfrac{1}{\left\|A\right\|}\ln\dfrac{\alpha-\beta}{\alpha-\beta-\left\|A\right\|\left|z_0\right|}$ ва $\left\|A\right\|=0$ да $T_A=\dfrac{\left|z_0\right|}{\alpha-\beta}$.

ХУЛОСА

Диссертация иши бошқарувлар аралаш чегараланишларга эга ҳолда чизиқли ва ночизиқли динамик системалар учун бошқарув ва қувиш масалаларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Бошқарувига интеграл чеклов қўйилган чизиқли дифференциал системаларда бошқариш масаласи учун A матрицанинг барча хос сонларини ҳақиқий қисми номанфий бўлса, у ҳолда барча жоиз бошқарувларда сифат функционалининг қиймати нолга тенглиги исботланган.

2. Бошқарувига йиғинди чеклов қўйилган чизиқли дискрет системаларда бошқариш масаласи учун A матрицанинг барча хос сонларини модули бирдан кичик ёки тенг бўлса, у ҳолда барча жоиз бошқарувларда сифат функционалининг қиймати нолга тенглиги исботланган.

3. Бошқарувига йиғинди чеклов қўйилган чизиқли дискрет системаларда 0-бошқарувчанлик масаласининг ечими учун зарур ва етарли шартлар топилган.

4. Чизиқли дискрет системаларда ифодаланадиган қувиш масаласининг глобал ечими билан 0-бошқарувчанлик орасидаги боғлиқлик ўрганилган. Қочувчининг $v(t)$ – бошқарувдаги жорий қиймати ва $z(t)$ – ўйин холати асосида қувиш стратегияси қурилган. Қувиш масаласининг глобал ечими билан 0-бошқарувчанлик мос тушадиган шарт топилган. Бунда, агар асосий матриცанинг хос қиймати бирдан кичик бўлса, у ҳолда бошланғич нуқта ихтиёрий бўлганда ҳам қувишни тугатиш мумкин.

5. Ўйинчиларнинг бошқарув координаталарига интеграл чекловлар қўйилган жамоавий қувиш масаласини ечиш учун янги етарли шартлар олинди. Шу билан бир қаторда жамоавий қувиш дифференциал ўйинини тугатиш учун қувловчиларнинг ресурслари координаталари йиғиндиси қочувчи ресурслари координаталари йиғиндисидан катта бўлиши кераклиги кўрсатилган.

6. Ночизиқли дифференциал ўйинларнинг битта синфи учун ўйинчиларга энг яхши яқинлашиш имконини берадиган параллел қувиш стратегиясининг аналоги қурилган ва унинг структураси ўрганилган.

Диссертацияда олинган натижалар ва таклиф этилган усуллар зиддиятли ҳолатларда рўй берадиган бошқарув жараёнлари назариясининг кейинги изланишларда қўлланилади. Бошқариш ва қувиш масаласига оид диссертация натижалари ўйинчиларнинг бошқарувга йиғинди чекловлар қўйилган дискрет системаларда келтирилган. Шу сабабли, динамик жараёнларни тўғридан-тўғри дискрет системалар ёрдамида моделлаштириш долзарб бўлиб бормоқда, бу эса компютер ҳисоблаш дастурларини татбиқ қилишга мослаштириш қулай.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ имени В.И.РОМАНОВСКОГО

СОТВОЛДИЕВ АКМАЛЖОН ИБРОХИМОВИЧ

ЗАДАЧИ УПРАВЛЯЕМОСТИ И ПРЕСЛЕДОВАНИЯ В ЛИНЕЙНЫХ И НЕЛИНЕЙНЫХ ДИНАМИЧЕСКИХ СИСТЕМАХ ПРИ РАЗНОТИПНЫХ ОГРАНИЧЕНИЯХ

01.01.02 – Дифференциальные уравнения и математическая физика
(физико-математические науки)

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Фергана – 2020

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.2.PhD/FM10.

Диссертация выполнена в Институте математики им. В.И.Романовского Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научные руководители:	**Кучкаров Атамурат Шамуратович** доктор физико-математических наук
	Саматов Бахром Таджиахматович доктор физико-математических наук
Официальные оппоненты:	**Тухтасинов Муминжон** доктор физико-математических наук, профессор
	Каримов Камолиддин Туйчибоевич кандидат физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «____» __________ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Автореферат диссертации разослан «___» _______________ 2020 года.
(протокол рассылки № ________ от «___» ________________ 2020 года).

А.К.Уринов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

И.У.Хайдаров
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.ф.-м.н.

Ш.Т.Каримов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные исследования, имеющие прикладное значение, проводимые на мировом уровне, имеют дело с математическими моделями, в том числе в виде систем управления. При этом для адекватности математических моделей экономических и социальных процессов, некоторые технические устройства, могут требовать учет наличия конфликта, т.е. стороны, препятствующие достижению цели управления. Необходимость исследования таких моделей привела к созданию нового направления в математике – математической теории конфликтно-управляемых процессов (динамических игр). На сегодняшний день теория динамических игр представляет собой всесторонне развитую область математики, имеющую прикладное значение.

Согласно этой теории, динамические процессы описываются дифференциальными, дискретными, интегральными и другими типами уравнений. Если в качестве модели берется дифференциальное уравнение, то математическая модель называется дифференциальной игрой, в случае же дискретного уравнения – дискретной (многошаговой) игрой. В отличие от управляемых систем, в игровых моделях параметры управления делятся на две группы, каждой из которых управляет одна из двух сторон, условно, игроки. При этом параметры управления меняются с течением времени не только в зависимости от значения параметра времени, но и от текущего состояния всей системы. Кроме того, параметры управления должны подчиняться определенным условиям, которые называются ограничениями, выражающими ограниченность топлива, заряда батарей, мощности двигателей и т.п. Исторически, в теории динамических игр, главным образом, рассматривались так называемые геометрические ограничения, в которых значения управляющих параметров должны принадлежать компактному подмножеству конечномерного пространства. Динамические игры с интегральными (суммарными) ограничениями, которые должны как функции времени принадлежать ограниченному замкнутому подмножеству банаховых пространств, еще находится в начальной стадии развития. Актуальность диссертации заключается в развитии основ линейных и нелинейных динамических систем в направлении теории управляемости и преследования при различных ограничениях на управления игроков, в построении адекватных математических моделей в управляемых процессах с противодействием, а также в разработке методов решения таких задач, как преследования на основе понятий и результатов широко развитых теорий устойчивости и управления.

В настоящее время в нашей республике уделяется пристальное внимание актуальным аспектам фундаментальных наук, имеющим прикладное значение. Перед наукой ставится задача сближения фундаментальных исследований к практике и расширение прикладных исследований по применению к реальным секторам экономики, техники, социальных процессов и др. Проведение научных исследований по приоритетным направлениям математических наук, а именно по дифференциальным уравнениям и математической физике, включая теорию динамических систем, алгебре и функциональному анализу, теории вероятностей и математической статистике, прикладной математике и математическому моделированию являются основными задачами и направлениями деятельности Института математики имени В.И.Романовского Академии Наук Республики Узбекистан[1]. Развитие методов исследования динамических систем играет немаловажную роль в реализации директивных документов.

Тема и объект исследования настоящей диссертации соответствуют задачам, обозначенным в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», № ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся фундаментальной науки.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

